



Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари туркий тилларнинг ифода имкониятлари акс этган комусий манба хисобланади. Унда ўзбек тили тарихига оид мухим хусусиятлар акс этган. Асардаги лексемалар тахлили сўз этимологияси, семантик таркиби, тарихий кўринишларини аниқлашда ўзига хос киймат касб этади. Тарихий сўзлар маъно-мундарижасидаги ва фонетик таркибидаги ўзгаришлар ҳозирги узбек адабий тилига киёслаганда яхкол намоён бўлади.

Ҳозирги узбек адабий тилида қўлланадиган бир катор сўзларнинг маънолари эски узбек тили давридаги маъноларидан фарк қилади. Масалан, Кўпор — "тургиз", "тикла", "олиб ташла", "кўзгамок". Мазкур сўзнинг асоси бўлган кўп — кадимги туркий тидда "кўтарилмок", "учмок" маъноларида қўлланган. Мажхул нисбат шакли кўпорилмок — "тикланмок" тушунчасини билдириб келган: Йигирма кун-бир ойда жид ва ихтимом била кўргоннинг синук-бузугини буткариб кўпорилди. Асарда қўлланган кишлок термини ҳозирдагидан фаркли ўларок, асл лугавий маъносида келган, яъни "кишлайдиган уй, макон" тушунчасини англатган: Бир кўргонда кишлок солмок керак... Неча кун кишлоки уйлар тайер бўлгунча ўлангда ўлтурулди. Кадимги туркий тилда: Кишлаг — "кишланадиган жой" тушунчасини англатган. Кишлок кыш отита — ла кўшимчасини кўшиб ясалган кишла феъ-лига г кўшимчасини кўшишдан ҳосил бўлган; "ахолиси езда далаларга кетиб, кишда кайтиб «келиб яшайдиган жой" маъносини англатган. Ҳозирда ахолиси, асосан, кишлок хўжалиги билан шугулланадиган яшаш жойини билдиради. Кишлок сўзининг "кишлайдиган уй" маъносида қўлланиши терминнинг эски ўзбек адабий тили давридаги нарса-объект номидан маъмурий-худудий терминга айланиш жараёни хақида тасаввур беради. Кайд этилган сўзларнинг маъносидаги ўзгаришлар лексик тараккиётга хос ички конуниятлар асосида юз берган. Баъзи сўзлар маъносидаги ўзгаришлар экстралингвистик факторлар таъсирида ҳам юз берганини кузатиш мумкин. Масалан, бормок сўзи маъносида сезиларли ўзгариш юз берган. Асарда бор — "жанг килмок" тушунчасини ифодалаган: Малик Косим яхши борди. Ҳозирда "сўзловчи ёки кузатувчининг турган жойидан, ёнидан, назаридан узоклашмок" тушунчасини англатади. Ушбу сўзнинг ҳозирда қўлланадиган тўккиз хил маъноси орасида "жанг килмок" маъноси кузатилмайди. Чопкула - "киличбозлик килмок", "якка тартибда урушмок" маъноларида келган. ... Ташкаридин-ич-каридин кўнгуллик йигитлар хиёбонда яхшилаб чопкуладилар. Чопкула - иш-харакатнинг такрорийлигини ҳам биддиради. Тилчи — "жосус", "айгокчи", "разведкачи", яъни мухим маълумотлар берувчи шахс. Буларнинг тилчиси мундок хабар келтурдиким... Баъзан "асир" маъносида ишлатилади. Бошсизлик — "галаён", "норозилик", "итоатсизлик" маъноларида қўлланган. Бошсизлик килган элни топтуруб,

икки-уч пора килдурдум. "Галаён", "норозилик" маънолари ижтимоий воқеалик талабига кўра истъмождан чиққан.

"Бобурнома" тилидаги бир қатор сўзлар архаизмга айланган. Бундай сўзлар табиатини куйидаги мисоллар асосида изоҳлаш мумкин: илик архаик сўз бўлиб, "кўл" маъносини билдирган. Иликдан ясалган иликла феъли "эгалламок" маъносида келган. ...Беклар, йигитлар била илгор тайин килдукким, бориб Ёр яйлок кўргонларини сўз била ё зўр била иликлагайла... Чарга, жарга — *доира", "халка", *ўров* 'чаргаламок ", 'айланмок ". Алишанглик чарга килиб, тогдин кийикни индурдилар. Кўчма маънода ҳам кўлланган. Ўшал таксир килганни муча чаргасидин узатиб, вилоят ва парганасидин йираткайбиз. Муча — "амал, мансаб" бўлиб, муча чаргаси — "амал доираси" тушунчасини ифода этади. Чена — *хисобламок". Хозир черикини бир лак ченарлар

Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари туркий тилларнинг ифода имкониятлари акс этган комусий манба хисобланади. Унда ўзбек тили тарихига оид муҳим хусусиятлар акс этган. Асардаги лексемалар таҳлили сўз этимологияси, семантик таркиби, тарихий кўринишларини аниқлашда ўзига хос киймат касб этади. Тарихий сўзлар маъно-мундарижасидаги ва фонетик таркибидаги ўзгаришлар хозирги ўзбек адабий тилига киёслаганда яхкол намоён бўлади.

Хозирги ўзбек адабий тилида кўлланадиган бир қатор сўзларнинг маънолари эски ўзбек тили давридаги маъноларидан фарқ қилади. Масалан, Кўпор — "турғиз", "тикла", "олиб ташла", "кўзгамок". Мазкур сўзнинг асоси бўлган кўп — қадимги туркий тилда "кўтарилмок", "учмок" маъноларида кўлланган. Мажхул нисбат шакли кўпорилмок — "тикланмок" тушунчасини билдириб келган: Йигирма кун-бир ойда жид ва ихтимом била кўргоннинг синук-бузугини бутқариб кўпорилди.

Асарда кўлланган кишлок термини хозирдагидан фарқли ўларок, асл лугавий маъносида келган, яъни "кишлайдиган уй, макон" тушунчасини англатган: Бир кўргонда кишлок солмок керак... Неча кун кишлоки уйлар тайер бўлгунча ўлангда ўлтурулди. Қадимги туркий тилда: Кишлаг — "кишланадиган жой" тушунчасини англатган. Кишлок қыш отита — ла кўшимчасини кўшиб ясалган кишла феъ-лига г кўшимчасини кўшишдан ҳосил бўлган; "ахолиси езда далаларга кетиб, кишда кайтиб «келиб яшайдиган жой" маъносини англатган. Хозирда ахолиси, асосан, кишлок хўжалиги билан шугулланадиган яшаш жойини билдиради. Кишлок сўзининг "кишлайдиган уй" маъносида кўлланиши терминнинг эски ўзбек адабий тили давридаги нарса-объект номидан маъмурий-худудий терминга айланиш жараёни ҳақида тасаввур беради.

Кайд этилган сўзларнинг маъносидаги ўзгаришлар лексик тараккиётга хос ички қонуниятлар асосида юз берган. Баъзи сўзлар маъносидаги ўзгаришлар экстралингвистик факторлар таъсирида ҳам юз берганини қузатиш мумкин. Масалан, бормок сўзи маъносида сезиларли ўзгариш юз берган. Асарда бор — "жанг килмок" тушунчасини ифодалаган: Малик Қосим яхши борди. Хозирда "сўзловчи ёки қузатувчининг турган жойидан, ёнидан, назаридан узоклашмок" тушунчасини англатади. Ушбу сўзнинг хозирда кўлланадиган тўққиз хил маъноси орасида "жанг килмок" маъноси қузатилмайди. Чопкула - "киличбозлик килмок", "якка тартибда урушмок" маъноларида келган. ... Ташқаридин-ич-қаридин кўнгуллик йигитлар хиёбонда яхшилаб чопкуладилар. Чопкула - иш-харакатнинг такрорийлигини ҳам билдиради. Тилчи — "жосус", "айгоқчи", "разведқачи", яъни муҳим маълумотлар берувчи шахс. Буларнинг тилчиси мундоқ хабар келтурдиким... Баъзан "асир" маъносида ишлатилади. Бошсизлик — "галаён",

"норозилик", "итоатсизлик" маъноларида қўлланган. Бошсизлик килган элни топтуруб, икки-уч пора килдурдум. "Галаён", "норозилик" маънолари ижтимоий воқеалик талабига кўра истеъмождан чиққан.

"Бобурнома" тилидаги бир катор сўзлар архаизмга айланган. Бундай сўзлар табиатини куйидаги мисоллар асосида изохлаш мумкин: илик архаик сўз бўлиб, "кўл" маъносини билдирган. Иликдан ясалган иликла феъли "эгалламок" маъносида келган. ...Беклар, йигитлар била илгор тайин килдукким, бориб Ёр яйлок кўргонларини сўз била ё зўр била иликлагайла... Чарга, жарга — *доира", "халка", *ўров"* 'чаргаламок ", 'айланмок ". Алишанглик чарга килиб, тогдин кийикни индурдилар. Кўчма маънода ҳам қўлланган. Ўшал таксир килганни муча чаргасидин узатиб, вилоят ва парганасидин йираткайбиз. Муча — "амал, мансаб" бўлиб, муча чаргаси — "амал доираси" тушунчасини ифода этади. Чена — *хисобламок". Хозир черикини бир лак ченарлар эди. Озирган — "кам кўрмок" маъносини ифодалаган. Балхни озирганса, арзадошт килинг... Оркалан — "орка килмок". Не учунким, Танбални оркаланиб манга ва манинг давлатхохларимга жафо ва азоблар килур эди. Огизла — таом емок. Яна баъзиларни огизлагани чорлар...; Чебур/чевур — "ўрамок, камамок". Бир тиргаз отими чевуруб бормок керак.

"Бобурнома"да баъзи таом номлари ҳам келтирилган. Маунот - "тириклик учун керакли нарсалар", "озик-овкат". Яна бир расм будурким, хизона ва пойгоҳ ва мулк салотинининг жами мауноти — қадимдан мукаррар ва муайян танлари паргана бордурким, ўзга терга асло харж бўлмас. Мохазари — "керак вақтида такаллуфсиз пайдо бўладиган озгина овкат", мазкур сўз отлашиш натижасида сифатловчидан сифатланмишга айланган ва нарса (таом) номи тарзида шаклланган. Юмдон оши — "юмшок килиб пиширилган, дори ўрнида истеъмоқ килинадиган бир хил ош". Бир оёғ юмдон оши келтурди, интим. Шилон/шулон — "уму-мий овкат, подшоҳ зиёфати", "хукмдорлар ўртасида ва хонакоҳда кўпчиликка бериладиган ош, умумий зиёфат". Шилони ва саховати яхши эди. "Санглох"да шилан шаклида келтирилиб, "султон ва амирлар ейдиган овкат" маъносида изоҳланган. "Бобурнома"даги айрим таом номлари халқ турмуш тарзи, дунёкараши борасида яққол тасаввур уйғотади. Бобур Кобул (хижрий туккиз юз йигирма бешинчи йил) воқеаларини тасвирлар экан, ёзади: Ўша ерда йилкирон ошини тортурулди. Ушбу жумладаги йилкирон оши — "вабо, ўлат йилларвда килинадиган худой и ош" маъносини ифодалаган йил ва кирон компонентларидан иборат. Йилкирон кўшма сўзи "кирон келган йил" тушунчасини ифодалайди, эски узбек адабий тилидаги бошка манбаларда кузатилмайди. Сўз таркибидаги кирон сўзи "ўлат, ют(?) ва жанг натижасидаги киргин" маъносида изоҳданган. Кирон - "кўплаб, ёппасига кириш" маъносидаги сўз бўлиб, эски узбек тилидаги қыр феълининг «ёппасига ўддирмок» маъносидан -(а)н кўшимчаси оркали ясалган. Йилкирон оши, даставвал, вабо, ўлат йилларвда килинган ва халқнинг шу балолардан халос бўлиш умидини ифода этган. Кейинчалик, бало ёки кирон(нинг) келишидан саклашни сўраш маросимига айланган ("Бобурнома"да шу маънода қўлланган). Сўзнинг функционал-семантик таркибида ўзгариш рўй берган. Сўз таркибидаги кирон "маълум бир муддат" тушунчаси билан богликлиги боис, вақт-замон маъноси ифодаланган. Йилкирон сўзи маъносида «ошнинг нима учун (нима сабабдан) тортилаётгани» дастлабки эътибордақтуради. Худойи сўзида, таомнинг худо йўлига бағишланганлик маъноси устун. Худойи вақт тушунчаси билан боглик эмас. Йилкирон халқнинг муайян тарихий вазиятлардаги карашлари, урф-одат, маросимлари хақида тасаввур беради.

Асар лексикасида XV—XVI асрда муайян касб-хунар ва шу соҳа билан шугулланувчи

шахе хакида атрофлича маълумотлар учрайди. Жумладан, дехкончилик билан боглик бўлган профессионализмлар ўртасида "маросим уюштирувчи шахе" маъносини ифодаловчи сўзлардан бири бўлган ядачи термини "шу фаолият билан шугулланувчи шахс" тушунчасидан кўра кўпроқ шу фаолият билан боглик маросимни амалга оширувчи шахс тушунчасини англатади. Султон Абусаид мирзога хизмат килгон даврида ядачилик даъвосини килур эди. Ядачилик шахснинг мансаб-мартаба, касб-корини англатиш билан бир каторда, халкнинг дунё-караши, эътиқоди, урф-одатини акс эттирган. Бобур Хожаги Мулло садр (Умаршайх Мирзонинг мухрдори) шахсиятини ёритишда ҳам шу сўзни кўллаган: Хожаги Мулло садр-ким... Толиби илмлиги бор эди, лугатни хили билур эди, иншоси ҳам яхши эди. Кушчилигни ва ядачилити ҳам билур эди.

Ядачилик сўзининг асоси бўлган ят Кошгарий лугатида: "ёмгир, шамолни талаб килиш учун махсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш" тарзида изоҳланган. Кадимги туркий лугатда ҳам шу маънода келтирилган. Шу жараёни амалга оширувчи шахс *jadchi* деб юритилган. Кадимги туркий тилда "яда тоши билан фол очмок" тушунчаси йатла сўзи билан ифодаланган. Бу тушунча яда килмок кўшма феъли ёрдамида англатилган. Тўхта Бўга Султон яда килгон экандур.

Ядачилар саройда бўлишган ва махсус топшириққа асосан фаолиятларини намойиш килишган: Акраб бўлгач, ядачиларга буюрурбизким яда кидгайлар. Яда тоши бирикмаси Навоий асарларида ҳам учрайди: Яда тошига кон етгач, ёгин ёккандек эй, сокий, Ёгар ёмгирдек ашким чун бўлур лаълинг шароб олуд. Навоийнинг "яда тошига кон етгач" деб келтириши маросим жараёнида яда тошига кон суртилганидан далолатдир (бу кон Оллох йўлига сўйилган жонзот кони бўлган). Лаъя ("кизил" лаб)нинг кўз ёши билан олуд (аралаш) бўлиши яда тошидаги кон ("кизил") билан ёмгир сувининг омихта бўлишига киёсланган (яда тоши ёрдамида ёмгир чакирилиши назарда тугалган).

Тил - мураккаб ижтимоий-биологик ходиса. Тил тараккиёти давомида муайян ички конуниятлар ва ташки омиллар таъсир кўрсатади. Тарихий лексикологиянинг тараккиёт боскичларини кузатишда, содир бўлган лингвистик ходисаларни талкин килишда, сўз этимологиясини ёритишда тарихий ёзма манбалар муҳим ахамиятга эга. Бу жихатдан "Бобурнома"нинг ўрни бекиёс.

Зулхумор ХОЛМАНОВА